
ИНСОНГА ЭЪТИБОР

Марғилон шаҳридаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига қишнинг қировли кунларида оз бўлсада кўмак кўрсатиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллаларда дошқозонлар осилиб ош дамланиб, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, ногиронлиги бўлган фуқаролар, бемор ва кексаларга тарқатилмоқда.

Бугун ҳам «Гўриаввал» маҳалласида тайёрланган тотли таом боқувчисини йўқотган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга, беморларга, кексаларга беминнат тарқатилди.

2023-01-20 16:28:11